

ХР

# Ошла Ва

Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир.

ИслоМ КАРИМОВ

52 (1255)-сон 30 декабрь 2015 йил  
Газета 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

# Жамият

Мадина ШАРИПОВА,  
“Эл-юрт хурмати” ордени  
соҳибаси:  
**САЛОМАТЛИК —  
ЭНГ КАТТА БОЙЛИК**



3

**САРХИСОБ ВА  
РЕЖАЛАР**



6

**МАЙМУН ЙИЛИ:  
тақдирлар ва  
туҳфалар**



11

**ХАЙР...  
АССАЛОМУ  
АЛАЙКУМ!**



12

## 2016 — “СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ” МУБОРАК БЎЛСИН!



ЎзА сурат-лавҳаси

**МУҲТАРАМ  
ЮРТДОШЛАР!**  
Оилангизнинг яна бир  
сирдош, дилдош дўстига  
айланиб қолган  
севимли газетангизга

2016 йил  
учун обуна  
давом  
этмоқда!

Обуна  
индекси —  
176

## МТ МАТБУОТ тарқатувчи

акциядорлик компанияси халқимизнинг маънавий дунёсини бойитиш, кундалик ахборотга бўлган эҳтиёжни қондиришдек хайрли ишларга дахлдор эканлиги бизни янада жиддийроқ ишлашга ундайди, зиммамизга масъулият ва долзарб вазифалар юклайди.

Компаниямиз 2016 йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна уюштирмақда.

**ОБУНАГА КЎМАКЧИ — “МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”!**  
Мурожаат учун телефонлар: 233-67-98, 234-85-99



Реклама ўрнида

# МЕҲР-ОҚИБАТ МАСКАНИ

**ВАТАН МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ**

...Қайнонанинг насиҳатларини қулоғига олишни истамаган келин, “Ҳар ишимдан айб топаверади”, деб аразлаб, отасининг уйига жўнади. Онаси ва хотинини муросага келтира олмаган ўғилнинг ичига чироқ ёкса ёришмайди. “Топармон-турармон бир йигитни ўстириб, энди айбдор бўлдимми”, деб ёзғиради қайнона. “Гулдай қизим кудамнинг эшигида кун кўрмаяпти”, дейди қизнинг онаси. Ҳамма ўзича ҳақ. Кудаларнинг майда-чуйда гап-сўзи маҳаллага ўрмалаб чиқаверади. Эндигина уч ойлик бўлган чақалоқнинг тирик етим бўлиб қолиши эҳтимоли ортиб бораётганини иккала хонадон катталари ҳам ўйлашмайди. Аммо ёш оиланинг пароканда бўлишига жўяли бирор сабаб йўқ.

Шундай кезларда маҳалла фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, хотин-қизлар кўмиталари бошланғич ташкилотлари раислари, маҳаллаларда фаолият юритаётган Яраштириш комиссияси вакиллари ўртага тушади. Келин-куёвнинг, кудаларнинг яхшисини ошириб, ёмонини яшириб, уларни муросага келтиришади.

Кўп ўтмай, жажжигина чақалоқ оёққа туриб, тетапоя қилиб, алпанг-талпанг юриб келиб, жажжи кўлчалари билан бувисининг бўйнидан кучоқлаб олади. “Оҳ-оҳ, намунча ширин бўлмаса, бу бола”, дейди қайнона яйраб. Эр-хотин бир-бирига меҳру муҳаббат билан термиледи. Боланинг кўзлари эса бахтдан чақнайди...

Юртимиздаги ҳар бир хонадонда мана шундай соғлом муҳитни барпо этиш, оилаларни мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш борасида “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, унинг ҳудудий тузилмалари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан кенг қўллами ишлар амалга оширилмоқда.

— Ўғил-қизларимизни миллий қадриятлар руҳида, билимли, салоҳиятли қилиб тарбиялашда оиланинг ўрни жуда муҳим, — дейди Наманган вилоятининг Мингбулоқ тумани “Кўрғондарё” кишлоқ фуқаролар йиғинидаги Ғалаба маҳалласи хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти раиси Олдуз Хушназарова. — Ота-онага эҳтиром, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, одоб-ахлоқ каби фазилатлар айнан оилда шаклланади. Бугунги кунда ҳудудимиздаги 600 хонадонда 800 дан ортиқ оилалар мавжуд. Маҳалламиз раиси Исоҳон ака Одилов: “Маҳалла-



да ҳамжихатликка эришиш учун, энг аввало, ҳар бир хонадонда аҳиллик ва тотувлик муҳитини яратишимиз керак”, деган гапни тез-тез таъкидлайдилар. Маслаҳатчимиз Бузахро Ошиқова билан ҳар бир хонадоннинг пасту баланди, иссиқ-совуғидан ҳабардор бўлиб тураемиз. Ёшларни касб-хунарга йўналтириш учун ҳаёт тажрибасига эга меҳнат фахрийлари билан ташкиллаштириётган учрашувларимизнинг аҳамияти катта бўляпти. “Оила — маҳалла — таълим муассасаси” ҳамкорлиги асосида олиб бораётган ишларимиз ҳам ўзининг яхши натижаларини бермоқда. Тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, шифокорлар, психологлар, ҳуқуқшуно ва бошқа масъуллар иштирокида “Эрта турмушнинг салбий оқибатлари”, “Ёшларни диний экстремизм балосидан асрайлик”, “Одам савдоси — аср вабоси” каби мавзуларда ўтказиётган суҳбатларимиз кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Айрим хонадонларда келин-куёв ёки қайнона-келин ўртасида тушунмовчиликлар юзага келса, Абдусулон

Фафуров, Озода Қўшпанова, Раҳима Акбарова каби фаолларимиз хонадон катталари ва ёшлар билан юзма-юз суҳбатлашиб, нотинчликни бартараф этишади. Шу боис кейинги йилларда ажримлар кузатилмаяпти.

Аҳолимиз томорқалардан унумли фойланади. Нуроний отахон ва онахонларимиз ўзларининг ибратли ишлари билан ёшларимизга ўрнак бўлишмоқда. 80 ёшли Адолат ая Турдалиева бўйра тўқишни, Тожихон ая

Холмирзаева кўрпачилик сирларини ёшларга ўргатишмоқда. Чеварчилик тўғаракларида қизларимиз тўқиш, тикиш сирларини ўзлаштирмоқда. Ҳамма бирдек фаровонликка интильса, оила ҳам, маҳалла ҳам кўркамлашиб бораверар экан.

— Бугунги кунда оиланинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини кучайтириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантириш, баркамол авлодни тарбиялашдек муҳим вазифаларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг алоҳида ўрни бор, — дейди Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги Тошкент маҳалласи маслаҳатчиси Зулфияхон Қорабоева. — Оқсоқолимиз Абдуманнопов ака Бойёшовов раҳбарлигида бизнинг маҳалламизда ҳам бу борада бир қатор тизимли ишлар йўлга қўйилган. 5200 нафардан зиёд аҳолимиз 775 хонадонда, 900 оилда истиқомат қилади. Оилаларда соғлом маънавий муҳитни шакллантириш, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашда Турдиҳол Давқарова, Зухра Маматқулова, Сафарой Аҳмедова каби фаолларимиз, нуроний отахон ва онахонла-

римиз ўзларининг ибратли ишлари, намунали ҳаёт тарзи билан ўрнак бўлишмоқда.

Оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда “Маҳалла” жамоат фондининг кўмағига, ўзимизнинг ҳудудда яшаётган тадбиркорларнинг ҳомийлик ёрдамларига суянамиз. “Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!” шиори остида нуроний отахон ва онахонлар, меҳнат фахрийларини бир дастурхон атрофида жамлаб, кўнгилларини чоғ қилаяпти.

Оилалар мустаҳкамлигини сақлашда хонадон фаровонлигини юксалтириш муҳим аҳамиятга эга. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда оилавий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда. Биз ҳам ҳар бир хонадонга кириб, кимнинг қўлида қандай хунари бор, ким қайси йўналишда тадбиркорлик ишини бошлаб олади, деган саволларга жавоб олиш мақсадида оилаларнинг имкониятларини ўргандик. Мутахассислар билан келишиб, уларга ўз йўналишлари доирасида маслаҳатлар бердик. Натижада маҳалламиз келин-қизларидан ўн нафари тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун кредитлар олишди. Муҳайё Кўшбекова, Меҳринисо Нурбекова, Саодат Аҳмедова каби маҳалладошларимиз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, ёшларни иш билан таъминлашмоқда.

Шу кунларда юртимизда ўтаётган йилни сарҳисоб қилиш билан бирга янги 2016 йилни кутиб олишга катта тараддуд кўриляпти. Бизнинг ҳудуд ҳам янги йил байрами шуқуҳи ҳукмрон. Хонадонларга кириб, кам таъминланган оилалар, қаровчиси йўқ кексаларга байрам совғаларини улашяпти.

Ҳар бир маҳалла ўша ердаги оилаларнинг фаровон турмуши, соғлом ва бахтли ҳаёти билан файзли. “Маҳалла” жамоат фонди ва унинг ҳудудий тузилмалари, ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бугунги кунда эрта никоҳнинг салбий оқибатлари, ажралишларнинг олдини олиш, никоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш, ота-оналарнинг, ёшларнинг, хотин-қизларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий билимларини ошириш мақсадида олиб борилаётган тарғибот ишлари оилаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.

**Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА,**  
“Оила ва жамият” муҳбири.

## ЁШ ТАДБИРКОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

**Имтиёз ва имконият**

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни, айниқса, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишга қулай имкониятлар яратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга кўра, касб-хунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, шу санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган пайтдан

бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тугатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Жорий йилнинг 15 май кунин Президент томонидан имзоланган “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонда ҳам хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, 2015 йилнинг 1 июлидан яқка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятдан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун бюджетдан ташқари Пенсия жам-

гармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорда сугурта бадала ва яқка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорда солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ҳуқуқи берилди.

Яқка тартибдаги тадбиркорлар касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Шунга кўра, 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулк, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилиш ва янада кучайтиришга, улар-

ни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни асосида Солиқ кодексининг 18-, 180-, 311-, 373-моддаларига тегишли ўзгаришлар киритилди ҳамда янги 374-модда билан тўлдирилиб, унда ходимларни ёллаган ҳолда фаолиятни амалга оширувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан қатъий белгиланган солиқни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари белгилаб берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун яратилаётган бундай қулай шарт-шароитларни тадбиркорлар, касб-хунар коллежлари битирувчиларига кенг қамровда етказиб бериш учун Тошкент шаҳар

Яшнобод туман давлат солиқ инспекцияси томонидан ҳам қатор учрашувлар, семинар ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Шунга кўра кўплаб касб-хунар коллежлари битирувчилари бундай қулай имкониятлардан унумли фойдаланиб, хусусий тадбиркор сифатида фаолият юритмоқдалар.

Хулоса қилиб айтганда, солиқ қонунчилигига киритилаётган бундай янгиликлар ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга катта имконият яратди.

**Камолиддин САЛАХОВ,**  
Тошкент шаҳар Яшнобод туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи.

40 йилдан кўпроқ меҳнат фаолиятини тиббиёт ривожига бағишлаган Мадина Шарипова болалик йилларидаёқ соҳа сирларини кўриб, тинглаб улғайди. Ҳарбий шифокор Карим ота ва стоматолог Рихсия ая бир-бирлари билан соҳага оид мунозараларни олиб боришар, кўпжидлик китоблардан касбга оид маълумотларни ўрганишар, буни завқ билан қузатган, китобларни мутолаа қилган қаҳрамонимиз ойиснинг олдида кечагина тиши оғриб келган амакининг кўп ўтмай мамнун чеҳрада “рахмат” дея чиқиб кетишини кўрарди. Йиллар қалбдаги ҳавасни юзага чиқарди, билим олиб, илм ўрганиб, ўз соҳасида фаолият юритиб, халқ назарига тушди.

Мадина ШАРИПОВА,  
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси,  
тиббиёт фанлари доктори:

## САЛОМАТЛИК — ЭНГ КАТТА БОЙЛИК

Сухбатдошимиз — Мадина Шарипова Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш вазирлиги бош генетики, Республика “Она ва бола скрининги” маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси.

етти авлоди суриштирилган. Бу кейинчалик авлоддан-авлодга ўтиб, анъана шаклига кирган. Бунда жуда катта ҳикмат бор. Аждодларимиз бу билан соғлом наслнинг давом этишини истаган. Марказимиз фаолияти ҳам ирсий касаллик билан туғилган болаларга махсус тиббий-генетик хизмат кўради, ҳомилада ривожланиш нуқсонини ёки ногиронликка олиб келувчи касалликлар билан туғилишнинг олдини олиш мақсадида ҳомиладор аёлларни текширувдан ўтказилади. Бугунги кунда юртимизда марказимиздан ташқари 12 та минтақавий марказлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Скрининг бу — туғма ва ирсий касалликларни аниқлаш учун аҳолини оммавий текширувдан ўтказишдир. Тиббий генетик хизмат аҳоли орасида ногиронликни ва болалар ўлими кўрсаткичини камайишига кўмак беради. Бундай нуқсонли беморлар билан ишлашда ўзига хос ёндашув керак. Аввало, касалликни даволашдан олдин уни ўрганиш лозим. Бунинг учун ота-она билан суҳбат ўтказилади. Ҳар икки томоннинг қариндошлари ўрганилади ҳамда аждодда ирсий касаллик қайси бирида борлиги аниқланади ва керакли бўлган текширув ўтказилади. Ана шундай жараёнлардан кейин беморга аниқ ташхис қўйилиб даволаш муолажалари буюрилади. Касаллик қанча эрта аниқланса ва шифокор кўрсатмаларига тўғри амал қилинса, касалликнинг кли-

ник белгилари ҳамда касаллик билан боғлиқ муаммолар камаяди. Шунинг таъкидлаб ўтиш лозимки, айрим туғма ва ирсий касалликлар турли хил зарарли омилларнинг таъсири натижасида генлардаги патологик ўзгаришлар туфайли ҳам келиб чиқиши мумкин.

— **Ирсий касалликка чалинишга қандай омиллар сабаб бўлади ва бундай муаммоларнинг олдини олиш чоралари нималардан иборат?**

— Ирсий касалликлар наслдан-наслга ўтади, айримлари ташқи кўринишидан соғлом бўлган отанинг фарзандларида (касалик яширин ирсий касалланганда) аниқланади. Бу каби касалликларга туғма гипотиреоз, фенилкетонурия касалликлари киради. Ҳар бир бола ўз генларининг ярмини онадан, иккинчи ярмини отасидан олади. Шу сабаб эр-хотин қариндош бўлган оилаларда бошқа оилаларга қараганда наслдан-наслга ўтадиган касалликлар кўп учрайди. Чунки қариндошлар ўртасидаги никоҳда “касалик” генларини ташувчиси бўлган ота-оналарда “касалик” генларини учраш эҳтимоли юқоридир, яъни қариндошлик қанчалик яқин бўлса уларнинг “касалик” генларини бир-бири билан учраш эҳтимоли шунча юқори бўлади.

Соғлом фарзандларнинг дунёга келишида ёшнинг аҳамияти катта. 20-30 ёшлар орасида она бўлиш вақти энг мақбул давр ҳисоблана-



ди. Бўлажак оналар ҳомиладорлик даврда мутахассис-шифокор назорати остида бўлиб, керакли маслаҳатларни олиши лозим: йод, темир ва фолий кислотаси сақланган поливитаминларни, оқсилга бой маҳсулотларни истеъмол қилиши керак. Соғлом болалар туғилиши учун туғруқ оралиғи камида 3 йил бўлиши лозим. Шу билан бирга эр-хотиннинг бирдек соғлом бўлиши, ҳомиладор бўлишдан олдин ҳар икки томон албатта шифокор кўригидан ўтишлари лозим.

— **Оиладаги ажримларнинг аксари касалланиш сабаби билан боғлиқ. Сизнинг тажриба-гизда ҳам ана шундай нохуш ҳолатларни келтириб чиқарган воқеалар содир бўлганми?**

— Тажрибаимизда оилавий можаролар учраб туради. Бундай ҳолларда кўпинча ҳар икки томон бир-бирини айблаётди. Ирсий касаллик ота ёхуд она томонидан ўтади. Шундай нохуш ҳолатларга йўл қўймаслик ва соғлом фарзанд туғилиши учун аёлнинг ёши, қайси ёшда турмушга чиқиши, туғруқлар оралиғини сақлаш ва қариндошлик никоҳидан воз кечиш муҳим аҳамият касб этади.

“Оила ва жамият” муҳбири  
Камола АДАШБОВА  
суҳбатлашди.

— **Мадина Каримовна, энг аввало, сизни кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий табриклайман.**

— Ташаккур.

— **Ўтаётган йил сиз учун ҳам кутлук келди, десак, арзийди. Негаки, Президентимиз Фармонига биноан “Эл-юрт ҳурмати” билан тақдирландингиз.**

— Албатта, бундай юксак эътирофга муносиб равишда янада фаол ишлаш талаб этилади, қолаверса, бу нафақат менинг ёки марказимиз жамоасининг, балки давлатимиз раҳбари, ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши туфайли йил сайин тараққий этиб, ривожланиб, дунё миқёсида ҳам тан олинаётган ўзбекистонлик тиббиётчиларнинг камтарин меҳнатига берилган мукофот, десам янглишмайман.

Яна бир қувончли жиҳати, Президентимиз янги 2016 йилни “Соғлом она ва бола йили” деб номланганликлари биз тиббиётчиларни янада қувонтириши билан бирга, соҳа вакиллари зиммасига янада масъулият юклайди.

— **Маълумки, соғлом наслнинг кўпайишида сиз раҳбарлик қилаётган скрининг марказининг ҳам салмоқли ҳиссаси борлиги хусусида кўп бора эшитганмиз...**

— Тарихдан маълумки, оила қуришдан олдин қиз ва йигитнинг

... Турнақатор замонавий уйлари кўриб хайратингни яширолмайсан, киши. Қишлоқнинг энг чекка гўшаларида “мана-ман” дея савлат тўкиб турган, барча қулайликларга эга бу уйларида кимнинг яшагиси келмайди, дейсиз. Йилнинг тўрт фаслида ҳам ёнтрофига экилган дов-дарахлар, гуллар баравж ўсгани меҳрдан сув ичаётган маскандан дарак беради. Томоркаларга экилган зирворлар қиш бўлишига қарамай, яшнар ётибди. Бундай замонага етганига шукр қилаётган ёши улугларимиз ўз кечмишларини ёдга олиб, шукронани қанда қилишмайди.

Бекобод туманидаги “Гулистон” қишлоқ фуқаролар йиғини аҳли Тожиқул ака Норматовни ўзларига бошчи — раис этиб сайлашганига ҳам ўн йилдан ошибди. Ўзининг ибратли ишлари билан халқ ҳурматини қозongan оқсоқолнинг сўзларига қулук тутиб, дилинг йрайди.

— Бугунги бунёдкорликларнинг барчаси тўқин ва фаровонликдан дарак, — дейди

## АҲИЛЛИК ПОЙДЕВОРИ

Маҳалладан бошланар ватан

**Тожиқул ака Норматов.** — Биргина мисол, 2013-2014 йилларда қишлоғимиз худудидан 50 та замонавий тураржойлар бунёд этилган бўлса, 2016 йил учун яна шундай уйлар сони 16 тага кенгайди. Айни вақтда, 18,5 минг аҳоли истиқомат қилаётган худудимизда ажримлар, қонунбузарликлар юз бермагани барчамизнинг ютуғимиздир.

“Кексаларни эъзозлаш йили” муносабати билан ҳаргал маҳалламиз аҳли билан учрашганимизда юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг нақадар одиллиги, бундай замон ҳеч қачон бўлмаганлигини уқтиришади. Улар ҳозирги кунда ҳам ўзларининг ҳалол меҳнати, доно маслаҳатлари билан кўпчиликка ўрнак бўлишаётди. Албатта, маҳаллаларда олиб борилаётган тўй-маърака, маросимларда ҳар доим кексаларнинг маслаҳатига таянамиз. Мақтанишга йўймангу, худудимизда яшаётган ҳар бир хо-

надон вакили аҳоли ўзларига бириктирилган томорқадан унумли фойдаланиш ҳадисини олиб улгуришган. Хаттоки, қўшни туманлардан ҳам бу ёққа тажриба алмашиш учун одамларнинг келаётганидан бу ҳақиқатни англаш қийинмас. Яна бир ибратли жиҳати, мактаб ва касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг давомати, ўқув даражаси мунтазам равишда мониторинг қилинапти. Айниқса, қизлар ўртасида эрта никоҳ ҳамда яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олиш борасида кўплаб амалий чора-тадбирлар кўриломқда.

— Илғор маҳалласида 2328 аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, улар орасида туғиш ёшидаги аёллар ҳам талайгина, — дейди маҳалла диний маърифат ва ахлоқий тарбия масалалари бўйича

**маслаҳатчиси Ортиқжон Ёрматов.** — Қизлар ўртасида эрта никоҳнинг олдини олиш мақсадида Бекобод туманида қурилган ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи ва 4-мактабда “Ора-



ста қизлар” тўғарақлари ҳамкорлигида “Одобли қиз элга манзур”, “Қариси бор уйнинг париси бор”, “Касб танлашда онанинг роли” “12 йиллик таълим қизлар учун ўта муҳим” каби бир қатор тадбирлар ўтказдик. Шу йил маҳалламизга қўшни маҳаллалардан етти келин туширган бўлса,

ўн икки нафар қизимизни бошқа худудларга соғу саломат узатдик. Албатта, бунда, энг аввало, ота-оналар, қолаверса, мустақил ҳаётга қадам қўётган йигит-қизларимиз ўртасида соғлом турмуш тарзига қатъий риоя қилинаётганлиги катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ушбу гўшада олиб борилган ибратли ишлар билан танишарканмиз, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш борасида ҳам гулистонликлар олдида тушадиганлар бўлмаса керак, деган ўй ҳаёлимизга келди. Тожиқул Норматов айтганидек, юртининг ободлиғи ҳар бир маҳаллада амалга оширилаётган ишларда ҳам ўз аксини топади. Зеро, халқ равнақи йўлида ўз фидойилигини аямаётган, эл қорига камарбаста инсонлар сафи кенгайиб бораверсин.

Нигора ЎРОЛОВА,  
“Оила ва жамият”  
муҳбири.  
Тошкент вилояти.

# СПОРТЧИЛАР ОИЛАСИ

## Энди қишлоқларда ҳам кўпайиб бормоқда

...Хар куни тонг оқара бошлаган паллада Яқкабоғнинг Чайдари қишлоғидаги хонадонлардан бирининг дарвозаси охишта очилади. Аввал уй соҳиби — Бўрон ака кўринади. Унинг ортидан спорт кийимида у кишининг аёли Барно опа, уларнинг изидан фарзандлари — Гулдона, Рустам, (спорт мураббийлари), Достон, Дурдона (ўқувчи) чиқиб келишади. Ҳаммаси спортчи. Улар дастлаб одимлайди, кейин қадамлари тезлашади, сўнг бир маромда югура бошлайдилар. Қишлоқ кўчалари бўйлаб чопаётган бу оилага ҳамманинг хаваси келади.

Бўрон ака Тўраевни кўп йиллардан бери танийман. Яқкабоғ туманидаги 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида раҳбар: энгил атлетика бўйича тажрибали мутахассис.

Ҳамиша кайфияти аъло, кулади, кулдиради, ҳаракатлари худди йигирма ёшли чопқир, чайир йигитларни эслатади. Бу инсоннинг шодмонлиги, бахтиёрлигининг сири нимада эканини билгим келади. Яқинида хизмат юзасидан кўришиб қолганимизда шу саволни бердим.

— Спорт — менинг ҳаётим, оиламнинг кўзгуси, — дейди Бўрон ака кулиб. — Бахтли турмушимизнинг сири ҳам мана шунда. Қани менга айтинг-чи, сиз ҳам



эрта тонгда гимнастика билан, энгил атлетика билан шугулланасизми?

Бўрон аканинг қутилмаган саволидан кейин ўйланиб қолдим. Очигини тан олайлик, эрталабки бадантарбияни кўпчилигимиз бажармаймиз. Эркаклар-куминг хил бахонани рўқач қилишади. Аёллар эса: "Қап-катта хотин бўлиб кўчада югуриб юрамани, кўрганлар нима деб ўйлайди", дейишади.

Бўрон аканинг турмуш ўртоғи, асли рус тили ўқитувчиси Барно опа учун ҳам илгари спорт кийимида кўча бўйлаб югуриш бироз нокулай эди. Ҳар ҳолда қишлоқ жой. Аввалига одамлар ажабланиб қарашди. Энди ундай эмас. Эрта тонгда туриб, бу оилга кўшилиб югураётганлар энди кўпайиб қолди. Олдинга беш юз метр масофада югурилган бўлса, ҳозир уч минг ва беш минг метр масофани

чоғиб ўтиш одат тусини олди. Ҳатто қишлоқнинг чол-кампирилар ҳам сахар чоғи бадантарбия қилишга одатланишди.

Дарвоқе, Бўрон Тўраев раҳбарлик қилаётган БЎСМда ҳам спорт ишлари яхши йўлга қўйилган. Волейбол, баскетбол, футбол, энгил атлетика, дзюдо, кураш турлари бўйича 510 нафардан ортқ ўғил-қиз мунтазам машғулотларга қатнайдилар. Ўқувчилар вилоят ва республика миқёсида ўтатиётган мусобақа ва беллашувларда кучли учликдан жой олишмоқда. Дарвоқе, 2015 йил БЎСМ учун ютуқларга бой йил бўлди. Бойси, туман марказида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан спорт мажмуаси барпо этилди. Кўрган кўзни қуватиб, дилни яйратадиган, кўркам ва ҳашаматли мазкур бинони "Ҳисор — қурилиш" таъмирлаш корхонасининг қўли гул қурувчила-

## Замондошларимиз

ри бунёд этишган. Сарвиноз Холмаҳмадова, Достон Рўзиев, Бахтиёр Нурматов, Исом Абдусатторов, Юлдуз Хуррамова (енгил атлетика), Хуршида Пўлатова, Сабина Исмадова, Шарофиддин Шарипов, Фотиما Бойқобилова, Бозор Махматулов, Сурайё Тўйчиева (кураш, бел олиш кураши), Маъруф Хидиров, Отабек Кенжаев (дзюдо) сингари ёшларнинг муваффақиятларида Яшна Бўриев, Гулдона Рўзиева, Самандар Назаров, Улугбек Ғуломов, Рустам Рўзиев каби мураббийларнинг алоҳида хизматлари бор. Жамоада ҳам соғлом муҳит ҳукмрон. Бўрон ака нафақат ишда, балки шахсий ҳаётда ҳам жамоадорларига ўрнак бўлмоқда. Унинг тетиклиги, ҳамиша дадил ва шахдам ҳаракат сири эса соғлом турмуш тарзига амал қилиб яшаётганида экан.

Ҳали тонг ёришмай туриб, гира-ширада уйғониб, бироз бадантарбия қилиш учун иродамизни мустаҳкам ушлай билсак, кифоя. Тасаввур қилинг, сиз яшаётган маҳалла ёки овул қўчалари ҳам тонг чоғи спорт кийимида югуриб юрган, жисмоний машқлар бажараётган одамлар билан гавжум бўлса, ҳамма бир-бирдан ҳол-аҳвол сўраса, ва бу ҳамжихатлик, тотувликдан куч олиб ишига отланса, қандай саз бўларди-я...

**Илҳом РАҲМОНОВ,**  
"Оила ва жамият"  
муҳбири.  
Қашқадарё вилояти.

## Семинар

### ДОИМИЙ МУЛОҚОТ ЗАРУР

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва БМТнинг ОИВ, ОИТС дастури глобал жамғармаси ҳамкорлигида пойтахтимиздаги "GRAND TASHKENT" меҳмонхонасида "Ўзбекистон Республикасида ОИВ ва ОИТС тарқатишига қарши курашишда доимий мулоқот ва ижтимоий шерикчиликни кенгайтириш ва кучайтириш" мавзусида семинар ташкил этилди.

Унда Республика ОИТСга қарши кураш марказининг ходимлари журналистларга ушбу касаллик ҳақида маълумот беришди. Дунёда ва мамлакатимизда бу борада қилинаётган ишлар, чора-тадбирлар хусусида мулоҳазалар билдирилди. Семинар давомида қизгин баҳс-мунозаралар бўлди, журналистлар керакли маълумотларни олишди.

Дунёдаги глобал муаммога айланган бораётган, йилга минглаб давлатларнинг моддий ва маънавий ҳаётига ўзининг сезиларли салбий таъсирини ўтказиб қолган ОИВ ва ОИТС касалликлари ҳақида аҳолини хабардор қилиш, даволаниш тизими ҳақида тушунча бериш ҳамкорликда фаолият юритишни талаб этади. Хусусан, оммавий ахборот воситаларида мавзунинг ёриштириш янги ҳаётда бўлиши талаб этилмоқда.

Тадбир сўнгида журналистлар мутахассислар билан биргаликда ишлаш борасида келишиб олишди.

Ўз муҳбиримиз.

## Шукӯ

### ДОВОН ОШАЯПМИЗ

Умрни оқар дарёга менгезилишида ҳам ўзига хос улуг ҳикмат бор. Ҳар биримизнинг ҳаётимиз ҳисобли, айниқса, тарих мулкига айланаётган йилларнинг турфа хил воқеа-ҳодисаларга бой кечиши табиий. Энг қизиғи, гоҳ суюниб, гоҳида хўрсиниб эсласа арзигулик унутилмас кечмишларнинг ўзи бир китобга сизмаслиги аён.

2015 йил... Муболағасиз айтишим мумкин, шахсан менинг ўзим ва оиламиз учун ниҳоятда қадри йиллардан бири бўлиб қолди, десам арзийди. Кўп йиллардан бери хизмат қилаётган институтимизда содир бўлган ҳаяжонли воқеалар, истиқлол фарзандлари бўлмиш шогирдларим эришаран ютуқлар, айниқса, ўғлим Жавлонбекнинг таэквондоннинг ИТФ йўналиши бўйича Болгарияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида бронза медалига сазовор бўлганидан бир бахтли она сифатида қанчалар қувондим. Бундай фарахбахш воқеалар Ўзбекистонимиздаги неча минглаб оилаларга севинч, бахт бағишлади, десам янглишмайман.

Президентимиз қириб келаётган 2016 йилни "Соғлом она ва бола йили" деб номладилар. Бу эса, ўйлайманки, юртимизда буюк истиқлол даврида босқичма-босқич давом этаётган улуг ва хайрли ишларнинг аънавий, узвий давоми бўлади. Ниятим, янги йилнинг қадами қутлуг келсин, асрларга татигулик бунёдкорликларга гувоҳ бўлиб юриш бахти ҳаммамизна насиб этсин!

**Авезжон БЕКМУРОВА,**  
Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ўқитувчиси.

## МАҲАЛЛАМИЗ ФАРИШТАСИ

Кексалик юқидан оғринмай, невараларини суйиб-эркалаб, ўғил-қизларининг қамолини, соғлиқ-омонлигини тилаб яшаётган нуруний бувижонларимиз, отахонларимиз билан хонадонларимиз файзли.

Бувижоним Сайёра Шарипованинг ибратли ўғитлари, насиҳатлари билан бизга ҳаёт сабоқларини беради, десам муболаға бўлмас. Маҳалланинг иссиқ-совуқ кунлари, тўй-маъракалари ҳам уларсиз ўтмайди.

Самарқанд шаҳри Бек маҳалласига қарашли бу хонадонга келин бўлиб тушганимга 11 йилдан ошган бўлса-да, катта қайнонам, яъни, бувижонимдан бирор марта каттиқ гап эшитмаганман. Ҳамиша у кишининг меҳрини, ардоғини ҳис этаман. Илк марта кўришганимиздаёқ мени ўз набиралари қаторида қабул қилганлар. Келинликка ҳам ўзлари танлаганлар.

Тўйимиздан олдин СамДУда ўқиб юрган кезларим эди. Бир куни мени кимдир чақираётганини айтиб қолишди. Чикиб қарасам, юзларидан нур ёғилган бир аёл турибди. Ҳайрон бўлдим. "Бувижон сизга ким керак?", десам: "Сиз" дедилар. Исминни, отаонамни сўрадилар. Кейин кулиб:

"Менда бир булбул бор, шунга гул излаб келдим-да", дедилар. Мени пастга етаклаб тушиб: "Мана бу, набирам. Кўришинглар, гаплагинглар. Кейин уйингиздагиларга бориб айтинг, қизим. Эртага совчиликка бо-



рамир", дедилар. Нима деяримни билмай, уялиб, ерга қарадим. Орадан бир-икки кун ўтгач, уйимизга совчиликка келишди...

Шунақа чўрткесарликлар, ҳамманинг ташвишини ҳал қилиб юришлари сабаблими, бувижонимни таниганлар "Фармонбиби" деб аташади. Ҳаёти давомида кўп қийинчиликларни кўрган: ёшлиги уруш даврига тўғри келган моможоним ёшларни, невараларни ҳам ҳаммиша меҳнатга, ҳалол-

ликка ўргатадилар.

Эндиликда тўрт ўғил ва икки қиз ҳамда невара-чеваралар ардоғида яшайтилар.

— Биз раҳматли бобонгиз икковимиз ҳаётнинг барча синовларига сабр қилганмиз, шу боис мана, дориламон кунларга етиб келдим. Сабр, меҳнат ва одамларга меҳр-оқибатли бўлиш инсонни улуг қилади, — дейдилар.

Қайнонам Зулхумор опа ва қайнотам Иброҳимбек Шарипов бизга оила мустаҳкамлиги сирлари, фарзандлар тарбияси борасида насиҳат қилсалар, ҳаммиша бувижонимни ибрат қилиб кўрсатадилар. Фарзандларим уларнинг тарбиясини олаётир. Қайнона-қайнотам ҳам болаларимизни жуда яхши кўрадилар. Уларнинг эришаётган ютуқларини кўриб: "Дунёдаги энг улуг бахт ана шу", дейишади улар. Бувижонимизнинг: "Бировнинг ҳақиқа кўз олайтирма", "Меҳнатдан қочма ва қўлингдан келганча яхшилик қил", каби ўғитлари биз ёшларни тўғри йўлда юришга ундайди. Ёшу қари шу хонадонга шошади, негаки, фариштасифат бувижоним ҳамманинг дилига йўл топиб, барчани хурсанд қилади.

**Зухра ШАРИПОВА,**  
Самарқанд шаҳри.

## Изҳор

Йўлдаги суҳбат

## КУРАШИБ ЯШАШ СУРУРИ

Елена Абасовани шахримиздаги Суғдиёна масканида яшовчиларнинг аксари яхши танийди. Гоҳ спорт машғулотларига шошаётган, гоҳ кизи билан биргаликда мусиқа мактабига бораётган бўлади. Кўпинча пиёдалар йўлаги қолиб, автомобиллар йўлидан юришга мажбур. Алоҳида эҳтиёжга эга инсонлар учун мўлжалланган аравачасида катта йўлдан ўтаётганда автомобиль эгаларининг норози қарашларига кўп гувоҳ бўлади. Биз ҳам уни шу мавзеда, кўчада учратдик. Озроқ вақти бор эканлигини айтгач, суҳбатга тортидик.



— Бундай муносабатларга унчалик эътибор бермай кўйганман, — дейди Елена. — Сабаби, шахримиз кўчаларидаги пиёдалар йўлагининг барчасида ҳам аравачадагилар ўтиши учун шароит яратилмаган. Шунинг учун катта йўлдан юришга мажбурман.

Умуман, Елена муаммолар билан курашиб яшашни яхши кўради, назаримда. Уни танийдиганлар аёлнинг кайфияти кўпинча яхши эканини, ҳатто кўни-кўшнларига ҳам далда бериб туришини айтишади. Спортнинг армреслинг тури бўйича уч карра Осиё чемпиони, Лондон, Дубайдаги паралимпия ўйинлари иштирокчиси Елена Абасованинг оптимистлигида спортнинг ўрни катта эканлиги ҳақиқат.

— Албатта шундай, — дейди Елена. — Имконияти чекланган инсонларнинг аксарига тушкунлик яшаш учун ҳалал беради. Тушкун ҳолат одамнинг рухан эзилишига сабаб бўлиб, унинг соғлигига акс таъсир қилади, турмуш ташвишларини енгишда ҳам ўзини ожиз санай бошлайди. Бу яшаш эмасда, ахир. 24 ёшимда устозим Юсуф Қодиров кўмагида спортнинг армреслинг тури билан шуғуллана бошладим. Шундан сўнг ҳаётим тубдан ўзгарди. Бунга оқдодий ҳаракатларни ҳам бажаришга қийналар, кундалик санитария-гигиена қоидаларига амал қилишда ҳам онамининг ёрдамига суюнардим. Бундай ҳолатимдан баттар эзилиб, яшаш мен учун азобга айланарди. Аммо спорт билан шуғуллана бошлагач, ўзим каби инсонлар билан танишгач, вазият бутунлай ўзгарди. Ўзимга

нисбатан ишончим ортди, оёқда мустақил тура олмаслик мустақил яшай олмаслик дегани эмаслигини англадим. Ҳаракатларим анча яхшилана борди. Бирин-кетин спорт мусобақаларида қатнашдим, муваффақиятларни кўлга киритдим. Ҳозир ўзим ҳам имконияти чекланган инсонларга спорт билан шуғулланишларини маслаҳат бераман, уларга йўл-йўриқ кўрсатаман. Қолаверса, қизим, Аида Абасова ҳаётим мазмунига айланган. У мусиқага жуда қизиқади. Болалар мусиқа ва санъат мактабига қатнайди, ўқишлари ёмон эмас.

Табиб табиб эмас, боддан ўтган табиб, деб бежиз айтмайдилар. Еленининг кўрсатмалари билан ҳаётда у каби ишонч билан яшашни ўрганганлар кўпчиликни ташкил қилади. Керак бўлса, уларни излаб, спорт залларига таклиф қилади. Ахир у фақат спорт соҳасида эмас, кундалик яшаш тарзида ҳам ўзи каби инсонларга берадиган йўл-йўриқлари, маслаҳатларига муҳтож инсонлар борлигини билади-да. Елена билан суҳбатлашарканмиз, у соатига тез-тез қараб оларди. Табиб газ тўлови учун корхонага бораётганини айтди. “Жойига бориб тўламасам, кўнглим жойига тушмайди, эшикдан келган кишига пул бериб юборолмайман”, дейди. Биз билан хайрлашгач, аравачасини ҳайдаб, шиддат билан катта йўлга қараб бурилди. Унинг ортидан автомобилларнинг кетма-кет сигнал чалгани эшитилди...

**Гулрух МҲМИНОВА,**  
“Оила ва жамият” мухбири.  
Самарқанд вилояти.

## САХОВАТНИНГ ЧЕГАРАСИ БЎЛМАС

Каттага ҳурмат, кичикка иззат таъмоили азалдан қон-қонимизга сингиб кетган. Маҳалла-кўй кексалари бор уйни файзли дея ҳавасланиб, кунора бўлса-да, хабар олишни ўзларининг бурчи санаган. Албатта, орамизда маънавий кўмакка муҳтож инсонлар ҳам учраб туради. Шукр, юртимизда ҳеч бир киши бундай моддий ва руҳий эътибордан холи қолмайди.

Дарҳақиқат, янги йил арафасида саховатпеша ҳомийлар томонидан ана шундай хайрли ишларни амалга ошириш аънавага айланиб қолган. Яқинда Тошкент вилояти Охангарон шаҳри Хонобод маҳалласидаги “Саховат” кексалар ва ногиронлар учун интернат уйида Янги йил айёмига бағишланган “Эъзоздасис, азиз инсонлар” деб номланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

— Ҳаёт турли хил тасодифлардан иборат, — дейди мазкур интернат раҳбари Шерали Аманов. — Муассасамизда айни дамда, 162 нуруний истиқомат қилаётган бўлса, шундан 60 нафари 1 ва 2-гурӯх ногиронлари саналади. Ҳар йилгидек бу йил ҳам кексаларимизга давлатимиз томонидан катта эътибор кўрсатилди. Муассасамиздаги тўртта ётоқ бўлими, ошхона, овқатланиш зали, ўтиш галереяси бюджет ҳисобидан 2 миллиард 845 миллион сўм маблағ эвазига таъмирланди. Кейинги босқич эса 2016 йилда давом эттирилиб, 5 миллиард 800 миллион сўм сарфланиши белгиланган. Кўриниб турибдики, интернат уйимиз бунданда обод ва кўркем бўлади. Яхшиямки, халқимизда меҳр-оқибат тушунчаси ҳар бир инсоннинг қалбига ёшиқданоқ мустаҳкам сингдирилиб борилади. Деярли аксариятимиз ана шундай тарбия муҳитида улғайганимиз. Муассасамизга йил давомида нафақат туманимиздан, балки юртимизнинг турли бурчакларида ҳалол меҳнат қилиб, ўзларининг бе-

миннат кўмагини бераётган саховатпеша инсонлар кексалар дуосини олишга ўзларида рағбат сезишмоқда. Айниқса, ўтган беш йил давомида “Охангарон Метан газ” МЧЖ раҳбари Ботир Худоев, “Жаннат мевалари” фермер ҳўжалиги раҳбари Равшан Умаралиевнинг кўрсатган ёрдамлари барчамизни қувонтиради. Кексаларимизни байрам тадбирдан бошлари осмонга етди, десам муболага бўлмайди. Кўнгилларни ободлиги, оёсийишта юртимизга келтирилган шўқроналар ижобат бўлғусидир.

Хайрия



— Бу дунёда ҳар бир одамнинг бахтли, саодатли яшашга ҳаққи бор, — дейди Равшан ака Умаралиев ўз ҳаяжонини яширолмай. — Аслида, муборак ҳадиси шарифларда бир қўлинг берганини, иккинчи қўлинг билмасин, деган ибратли нақл бор. Ҳар гал шу муассасага келсам, руҳимда ажиб бир ҳаяжон, туйғу уйғонади. Эл дуосини олганлар ҳеч қачон кам бўлмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Имконимиз борича бир-биримизга меҳр улашиб яшайлик. Саховатнинг чегараси йўқ.

Кексалар дуоси ҳамиша ижобат бўлғусидир. Тадбирда туман маданият уйи, болалар жамоалари, ташкилотчилар томонидан тайёрланган концерт дастури кўпчиликка манзур бўлди.

**Нигора ЭРКИНБОЙ қизи,**  
“Оила ва жамият” мухбири.  
Тошкент вилояти.

## ХАТОНИНГ ҲАМ ЖАВОБИ БОР

Инсон камолга етадиган муқаддас бешик — оила. Унинг пойдевори мустаҳкам, уйбошилларнинг дунёқарashi соғлом, фикри тоза бўлса, у ерда файз-барак бўлади. Бобо-буви, ота-она ўғитлари, маслаҳатларига таяниб, катталарни ҳурмат қилиб, кичикларга иззат кўрсатилган оилаларда меҳнатсевар, Ватанга садоқатли, ҳалол, пок инсонлар вояга етади. Бу эса, баргинга оиланинг эмас, балки бутун жамиятнинг ҳам ютуғидир.

Иш фаолиятимиз давомида кўп воқеаларга дуч келамиз. Ҳар хил харақатли одамлар билан суҳбатлашамиз. Шундан аёнки, оилада ота-она, яъни эр-хотин муносабатлари ахлоқ-одоб, шарм-ҳаё меъёрларига асосланса, кейинчалик невараларга ҳам ибрат олади. Аксинча, бўлса-чи?!

...Эрталаб хонамиз олдида кўлида чақалоғи билан

турган ёшгина қизни кўриб хайратландим. “Опа, ёрдам беринг”, кўзлари жиққа ёшга тўлган қиз юзимга термўлди.

Малика (исми шартли) ота-онаси ажрашиб кетгач, Навоий вилоятидан Ғиждувонда яшайдиган узоқ қариндошларининг уйига келиб қолган. Бошқа вилоятда рўйхатда турган қиз бир кун бу ҳеш-акрабонинг, эртага бошқа бир қариндошининг

уйида меҳмондек яшаб, орадан бир ярим йил вақт ўтган бўлса-да, на отаси, на онаси сўроқлаган. Албатта, кўча-кўйда тентираб юрган қизнинг ҳаёти учун масъул бўлган катталар ўз ташвишлари гирдобига қолиб кетишган. Бундай саёқ юришлар оқибатида... қизчаси никоҳсиз дунёга келган.

— Исмини Бахтинисо деб қўйдим, — дейди ёш она. — Мен бахтли бўлолмадим. Болам ҳеч кимдан кам бўлмай улғайишини истайман. Оилам, турмуш ўртоғим бўлишини орзу қилгандим. Энди кеч... — унинг изтироб тўла орзуларини эшитдим.

Йўқ, ҳали кеч эмас. Малика жуда ёш. Маҳалла орқали яқинларини топдик.

Яқинда Навоий вилоятидан Малика яшайдиган маҳалла маслаҳатчиси телефон қилди.

— Яхшиямки, қизимизга ўшанда ёрдам кўрсатгансиз. Маликани яқинда турмушга чиқардик. Куёвнинг ким эканлигига бефарқ эмассиз, биламан, — деди опа ички ҳавотиримни сезгандек. — Қишлоғимизда бир йигитнинг хотини нафот этиб, ёшгина боласи билан ёлғиз қолган эди, ўша йигитнинг онаси тўйга бош-қош бўлдилар. Хунарманд йигит. Эгизак болалардек, чақалоқларни катта қиляпти. Қайнонасининг сеvimли келини. Асосийси, она меҳрига эҳтиёжманд Малика фарзандларига чексиз меҳр улашиб бахтини топди.

Тарбия

Маслаҳатчининг бу гапларини эшитиб бир қувондим, бир эса кўнглимнинг бир четида эзгин савол пайдо бўлди: “Нахот, ҳали ниҳолдек қизларнинг тақдирига бефарқ ота-она бир чеккада томошабин бўлиб тураверса? Уларнинг масъулиятсизлиги фарзандларини шундай, қутилмаган дарбадарлик кўчаларига олиб кирмадимми? Нега энди уларга ҳеч қандай чора кўрилмади? Майли, кеч бўлса-да, яхшиларнинг кўмаги билан бу қиз ўз жуфтини топди. Лекин йўл қўйилган хатоликлар учун ким жавоб беради?..

**Максуда РҲЗИЕВА,**  
Когон шаҳар ФХД  
бўлими мудири в.б.

## САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Йил охирлагач, вужудимизни баъзан ишдан, ўзимиздан қониқиш, баъзан эса қониқмаслик ҳисси қамраб ола бошлайди. Бунинг сабаби ўтган бир йил ичида эришган натижаларимиз, ютуқларимиздан мамнунлик, ёки аксинча, ўша йил бошида кўнглимизга туккан ишларни адоғига етказолмаганимиздир. Йил бошида яна қучгайрат билан ишга киришамиз: янги режалар тузамиз, мақсадлар сари дадил одимлаймиз. Орамизда “Йил омадли келди: режалаштирган ишларим ўнгидан кўчди, бу йилдан кўнглим тўлди”, дегувчилар иста-

ганча топилади. Шунинг баробарида “Афсуски, омадсизлигим, дангасалигим ортидан баъзи юмушларни бажаролмадим”, деб ўзини ёзғирадиганлар ҳам бор. Шу маънода бир неча саволлар билан юртдошларимизга мурожаат қилдик. Уларнинг келгуси режалари билан қизикдик.

**Юртдошларимиз нималарга эришди?  
Ўтган йилдан кўнглингиз тўлдими?  
Янги йилда дилга туккан ниятлар, мақсадларингиз...**

**Назира Жўраева,**  
“Жаҳон адабиёти” журнали бўлим муҳаррири, таржимон, “Дўстлик” ордени соҳибаси:



— Ҳар биримиз кириб келаётган Янги йил бахт-саодат, омонлик, тинчлик, ижодий муваффақиятлар олиб келиши чин дилдан кутамиз. Масалан, менга бу йил оиламда, ижодий ишларимда ўзининг ижобий изини қолдирди. Иван Вазов, Анна Саксе, Олес Гончар, Дино Буццати каби кўплаб ёзувчилар ижодидан қилган таржималарим матбуот ўзини кўрди. Яқин кунларда “Ўзбекистон” нашриёт матбаа ижодий уйида Дино Буццатининг қисса ва ҳикоялар тўплами китоб ҳолида чоп этилиш арафасида. Янги муаллифлар (ижоди менга ҳали таниш эмасди) асарлари билан танишдим. Келгусида уларни таржима қилиш ниятидаман. “Жаҳон адабиёти” журналида Жорж Санднинг “Индяна”, Г.Роббинснинг “Мени ташлаб кетма” каби романлари, қисса ва ҳикояларини таҳрирдан ўтказиб, ўқувчиларга тақдим этдим. Бу менга катта қувонч олиб келди, бу йиллаб қилинган меҳнатларим самараси.

Янги йилдан кутаётганим бисёр. Оиламда ва ижодимда янгиликлар, яхшиликлар бўлишидан умидворман. Юртимизда тинчлик, осудалик ҳукм сурсин. Ҳаммага Янги йил бахт-саодат, омад олиб келсин.

**Бектемир МЕЛИҚЎЗИЕВ,**  
боксчи, “Шухрат” медали соҳибаси:



— Орта қолаётган 2015 йилда боксчиларимиз халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этди. Улар орасида Ўзбекистон терма жамоасининг умидли юлдузлари кўп. Улар орасида мен ҳам борлигимдан албатта, хурсандман. Бу йил илк марта катта ёшлилар ўртасидаги беллашувларда иштирок этдим. 2014 йилда эса Нанкингдаги ўсмирлар ўртасида Олимпия ўйинлари ҳамда ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида галаба қозониб, ўрта вазнда мутлоқ ғолибликка эришганим.

Айниқса, жорий йил октябрь ойида Дохада ўтказилган жаҳон чемпи-

онатидаги ҳаракатларим барчага манзур бўлганини айтишди: илк “жанг”им грузиялик Квачатадзе Залалга қарши ўтказилганди. Унда муддатидан олдин зафар кучган эдим.

Шундан тушунишим мумкинки, йил, мавсум мен учун жуда омадли ўтди. Олдинги йирик турнирлардан Осиё чемпионатида ғолиб бўлган бўлсам, Дохадаги жаҳон чемпионатида кумуш медални қўлга киритдим. Бундан ташқари ушбу турнирдаги муваффақиятли иштироким сабабли келаси йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтадиган Олимпиада йўлланмасига ҳам эга бўлдим. Шундай экан, мавсумдан кўнглим тўлди ва амалга ошмай қолган ишлар бўлмади, десам бўлади.

Албатта, мусобақалар осон кечмади. Йирик турнирлардаги кучсиз рақибнинг ўзи бўлмайди. Улар ҳам яхши тайёргарлик кўрган кучлилар эди. Финалдаги рақибим (Арлен Лопес) тажрибали боксчилардан бири. Ўша жангда омад етишмадимиз? Буни билмадим. Бироқ мен учун асосийси, Олимпиада йўлланмаси!

Энг қувончлиси, Юртбошимизнинг мен каби ёшларга бўлган ишончи: Ватанимизнинг юксак мукофоти «Шухрат» медали билан тақдирландим. Албатта, бу менга катта масъулият юклаган бирга, янада кўпроқ куч-ғайрат ҳам бағишлайди.

Йил бошидан эзгу мақсадларни амалга ошириш йўлида қаттиқ меҳнат қиламан. Чин дилдан интилган албатта, ўз мақсадига эришади. Келажакда Олимпиада ўйинларида иштирок этиб, олтин медал олишни, мамлакатимиз байроғини янада юқори кўтаришни режалаштирганман. Шу ишонччи оқлашга ҳаракат қиламан.

**Ситора САИДОВА,**  
ЎЗДЖТУ халқаро журналистика мутахассислиги 2 босқич магистранти, Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендианти:

— Европа мамлакатларида қизиқ оқибат бор экан, Янги йил кечасида улар қўлига қалам олиб, мақсадларини ёзиб қўйишар экан. Йил давомида қилиниши керак бўлган асосий мақсадларни. Орадан бир йил ўтиб, шу қоғозни кўздан кечириб, 365 кунлик умрининг қай тарзда кечганини сарҳисоб қиларкан. Шу маънода мен ҳам ўз режаларимни ёзмаман-да, лекин ҳаёлан белгилаб юрман. Ҳозир ўша йил бошидаги ўйланган ниятларимни белгилаб, шунга амин бўлаяпманки, ўтган йилдан



кўнглим тўқ. Ҳар кун режалаштирган ишларимни амалга ошириш йўлида тинмаганман, шу мақсад йўлида қаттиқ бел боғлаганман. Ўйлайманки, ўша мақсадларнинг асосийларига эришдим: журналистика йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендианти бўлдим. Албатта, бу ютуқ елкамга катта масъулият юклайди, Янги йилда шижоат билан илмий ишмни давом эттирмоқчиман.

Онамнинг таъкидлашича, болаликдан Янги йилни интиқ кутарканман. Ҳар гал уйга Қорбобо келганида тенгқурларимга нима совға бергани, менга ҳеч кимда йўқ ҳадяни беришларини айтарканман. Аммо у ширинлик бериб, келгуси йилгача соғлик-саломатлик тилаб кетаркан. Бошқа ютуқлар шунинг замирида мужассам. Юртимиз тинч, осойишта, шунинг ўзи энг улуг бахт. Янги йилда мана шундай жипслик, иноқлик бўй кўрсатаверсин.

**Дилбар НОРМУРОВОВА,**  
Термиз шаҳридаги 43-мактаб она тили ва адабиёт фани ўқитувачиси, “Шухрат” медали соҳибаси:

— Ютуқларим яқин атрофимдаги инсонларнинг, яқинларимнинг ҳаракатлари билан ҳамоханг, деб ўйлайман. Аёл кишининг бахти оила билан, дегани рост. Ўқувчиларимнинг фан олимпиадаларидаги иштироки, ўғил-қизларимнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши меннинг энг катта нияти. Шу орзуларим амалга ошса, ўйлайманки, йил мен учун омадли келибди. Янги йил бу янги имкониятлар эшиги.

Ҳақиқатан, ўйлаб кўрсам ўтган йилдан кўнглим тўлди. Йил бошидан менга омад қилиб бокди — Термиз шаҳар кенгаши депутатлигига сайландим. Бу ҳам одамларнинг менга бўлган ишончини англатади. Ўқувчиларим шаҳар, вилоят босқичи — фан олимпиадаларида муносиб қатнашди, фахрли ўринни эгаллади. Шундан хурсандман, шунча меҳнатларим бесамар кетмаган.

Кириб келаётган йилдан умидим катта — ўғлим Азизбек ўқишга кириш истагида, қизим Термиз давлат университетини бакалаврият босқичини битираётми, энди магистратурда таҳсил олмақчи. Кенжа қизим бадий гимнастика тўғрарагига қатнашяпти, ютуқларидан қувонаяпман. Бундан-да юқори натижаларга айнан, мана шу йилда эришишига ишонманам.

**Олимжон ЖУМАБОВ**  
ёзиб олди.



**КАДР, ҚАДАР ВА МИҚДОР.**

Қадрда ҳам ўлчов ва миқдор маъноси бор. Қадр эса, таққослаш, ўхшатиш, даража муносабатларини билдиради. Миқдор катта-кичикликни билдиради. Хуллас, бу уч сўз ҳам бир илдиздан ўсиб чиққан бўлиб, уларнинг туб маъноси ўлчов ва даражани билдиради.

**Зар қадрини заргар билар.**

Мақол

**Косани олиб катта қошиқ билан шошиб-пишиб ичди. Косада ош уч эллик қадар озайди.**

Ойбек

**Ота-онамдан қолган кўрпак-ёстиклардан ўзим учун ва укаларим учун керакли миқдорда олдим.**

Садриддин Айний

**МУАССАСА ВА ТАЪСИС** —

бирор соҳани бошқарувчи ёки ташкилот маъносини англатган “муассаса” сўзининг туб илдизи “пойдевор қўйди”, “таъсис этди” демакдир.

**Мактаб ва мактабгача бўлган муассаса.**

Матбуотдан

**ПАНЖАРА** — орасини очиб қилиб, ёнма-ён бирлаштирилган сим, таёқ, темир, сопол, ганч ёки тахтачалардан тайёрланган ёхуд ўйиб ясалган тўсиқ. “Панжара” сўзи асли “панжа” сўзига “усул”, “йўл” маъносини англатувчи “роҳ” сўзининг қўшилишидан ҳосил бўлган ва панжага хос услубда маъносини англатган.

**Ҳозир ўша девор ўрнида тароққа ўхшаган чиройли панжара кўндиришибди.**

Саид Аҳмад

**СУРУВ ВА УЮР** — қўй-эчки подаси “сурув”, отлар подаси эса “уюр”. “Сурув”нинг туб илдизи “тўдала”, “уюр” илдизи “уймоқ” маъносидоги “уй”, “тўпла” деганидир.

**Ақли бўрибосарлар сурувларни бўйлаб олдинга чопиб борадилар...**

Асқад Мухтор

**Кенг яйловда иккита уюр алоҳида-алоҳида ўтлаб юрар эди.**

Журналдан

**Эшқобил ШУКУР**  
тайёрлади.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

## СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

### ДАВЛАТ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИЯ

### НАЗОРАТ МАРКАЗИ

халқимизни янги 2016 йил – “Соғлом она ва бола йили”  
муносабати билан муборакбод этади!

Кириб келаётган йил барчамизнинг дилимизга қувонч, ишимизга  
ривож, дастурхонларимизга қут-барака ва оиламизга хотиржамлик  
олиб келсин.

Халқимиз азал-азалдан йилни ўзгача хотиржамлик, хушқайфият,  
катта мақсадлар билан қаршилаган. Эртанги куннинг тадориги,  
умидини бугундан бошлаган. Шу тобда юртимизнинг шаҳару  
қишлоқларида ўзгача кўтаринкилик, шоду шодиёна. Ўйлаймизки,  
Ўзбекистонимизнинг шундай айёмлари кўп бўлади. Барчангизга  
мустаҳкам сиҳат-саломатлик йил бўйи ҳамроҳ бўлишини тилаймиз.  
Маймун йили барчамизга қутлуғ бўлсин, ниятларимиз ўнгидан  
келаверсин!

**Янги йил – янги муваффақиятлар йили бўлсин,  
азиз ватандошлар!**

### НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ

### “JAHON-BISNES BARAKA

### SERVIS” МЧЖ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни қутлуғ айём 2016 — “Соғлом она ва бола йили”  
байрами билан самимий муборакбод этади!

Халқимизда бир доно ҳикмат бор: йил бошида қилинган  
эзгу ниятлар, албатта, ижобат бўлармиш, режалаштирган  
ишлар ўнгидан келармиш, яхши кайфият йил бўйи  
тарк этмасмиш. Шубҳасиз, азалдан сахий, меҳнаткаш,  
лафзи ҳалол, жонкуяр, фидойи инсонларимизга  
ҳамиша ёруғ умидлар ҳамроҳ бўлган. Шундай экан,  
ушбу қанотбахш тилаклар кириб келаётган  
янги йилда ҳам амалга ошишини истаймиз.

**ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО,  
БАҒРИМИЗ БУТУН БЎЛСИН!**

Йўлига термилиб ўтирган ўғлини дарвоза олдида кўриб, Ҳамдамнинг дили вайрон бўлди. Ногиронлар аравачаси қаршисида тиз чўкиб, боланинг ўйдим-чўкур юзларини силаб эркалатган бўлди. Куйкининг аччиқ азобини шу муштдек бошида кўтарган, бир ўлимдан қолган боласининг ҳолини кўриб, эти жунжикиб кетди. Сесканганимни сезмадим, дея шошиб болакайнинг юз-кўзига термилди.

— Болам, тузукмисан?  
— Ҳа, ях...яхши...ман.  
Бола гапиришга ҳам қийналади. Фожиа юз берганига бир йил бўляпти, аммо хали оёғида жон йўқ. Шифо-

олдигача гилдиради келди: “Яхши келдингизми?”, деган хотинига жавоб ҳам бермай, ичкари кириб, телевизорнинг овозини борича кўйди. Кўзлари ёшга тўлди. Шу асно ўша кунги воқеалар яна хаёлида жонланди.

...Хотини билан тўйга отланаркан, кўнгли жуда безовта эди.

— Газнинг қулогини бурадингми, яна газ келиб, вишиллаб чиқиб ётавермасин?... — деди шоша-пиша кийиниб, тайёрланаётган хотинига.


— Ҳа, Санжар беркитди. Шундоқ ҳам айтилган

ни гўё ҳаётга қайтарди. У набирасини шамолдан ҳам, офтобдан ҳам қизғонарди. Шу зайл олти йил ўтди.

\*\*\*

Болаларининг кечикиб кетганидан хавотирланган Сайфи ота ташқарига чиқиб, деворларни ушлаб бориб гўё уларни кўрадигандай дарвозадан мўралади. Тоza ҳаводан кўнгли яйради. “Қоронғи, тушганга ўхшайди, тавба юрагим нотинч, ишқилиб болаларимни омонликда сақла”...

*Буни ҳаёт дейдилар*



корлар: “Биз қўлимиздан келган барча ишни қилдик. Энди Аллоҳдан сўрайверинглар, ўзи мадад берса, бир кун юриб кетади”, дейишган. Эрхотиннинг мўъжиза юз беришини кутишдан ўзга чоралари йўқ эди.

Ота қандай ўтирган бўлса, шундай охиста ўрнидан турди-ю, аравача тутқичини ушлади.

— Болам, кўчада ўтирма, кўрганлар...

Унинг “уят қилади” деб юборишига оз қолди. Хаёлини йиғди, тилини тийди.

— Устимдан кулишадими?...

Бу дардли гап Ҳамдамнинг юрагига наштардай ботди.

— Бу нима деганинг ўғлим? Ким сенинг устиндан куларкан? Кун исиб кетди, кўрганлар боласини офтобга ташлаб кўйибди, дейишмасин, — деди.

— Ёлгон гапирапсиз, кеча ўртоқларим келиб, кўрқиб кетишди. Ўзим ҳам ойнага қараб, даҳшатга тушаман...

Бола ҳиқиллаб йиғлаб юборди.

— Ие, сен ёш боламисан? — деди Ҳамдам. — Ҳали юзинг тузалиб, ойдек бўлиб кетади, ўша кўрққан дўстларининг оғзи очилиб қолади.

Ота кўнгли авраш учун сўзларди-ю, ўзининг ичидан бир нима узилаётгандай эди. “Боламнинг эси кириб қолибди... Энди уни қандай алдаш мумкин?...” У аравани айвон

вақтдан кечикиб, икки оёғи бир этикка тиқилиб турган Ҳамдам “бўпти-да”, дегандай бош ирғаб қўя қолди.

— Отам ҳам қизиқлар, мени кўчага чиқаргилари келмайди, — деди Зоира бироз юришгач, эрига арзиҳол қилиб.

— Яна айтишиб чиқдингми?

— Айтишиб ўлибманми? Совуқ авжига чиқяпти, Санжар кўчага чиқиб кетиб қийнайди, дейдилар. Шунга... Санжарни Лоланикига жўна-тиб юбордим.

Бу гапдан эркакнинг жони чиқиб кетаёзди.

— Нима?! Жиннимисан? Ахир, отамнинг кўзлари кўрмаса, бир нима керак бўлса, нима қиладилар?

— Олдиларига овқатларини кўйдим, сандалга чўғ солиб бердим, келгунимизча овқатланиб оладилар. Хавотир олманг. Ахир, бола бобосини қийнайди-да...

Ҳамдам “Тезроқ қайтармиз”, деган ўй билан машина газини босди.

Укаси Санжар автоҳалокат туфайли ҳалок бўлгач, фарзанд доғида куйиб, Сайфи отанинг кўзлари кўрмай қолганди. Ушанда Зоира оғирроқ эди. Невараси туғилгач, Сайфи ота унга “Санжар” деб исм қўйди.

— Илоҳим, умри ўхшамасин, аммо амакисидай ақлли, мард йигит бўлсин...

Гарчи кўзлари кўрмасанда, бу гўдак иси Сайфи ота-

Уйга қайтиб кирганда кўланса ҳид бордек эди. Мўйсафид пайпаслаб газ қулогини топа олмади. “Газ чикса пишиларди, сандалга нимадир туширдиммикин?...” У аста келиб сандал ичидасим билан чўғни титгандай бўлди. “Ўчиб қолди, шекилли. Илик ҳам йўқ, бироз кутай-чи, болаларим келиб қолишар”...

Сайфи ота совқотиб киргани учунми, танаси титраб сандал кўрпани торти-да, маҳкам ўранди. Аммо безовталиқдан кўз юмолмади. Унинг хаёли болаларида эди. “Ишқилиб, эсон-омон келишсин... Йўлларда учрагувчи бало-қазодан ўзинг асра, Аллоҳим”... Бадбўй ва ачимсиз хиддан чолнинг нафаси қисилиб, ҳоли қурий бошлади...

\*\*\*

Санжарнинг бироз шўхлигини айтмаса, чиндан, худди амакисидай ақлли, зукко бўлиб улғаяётганди.

— Мен уйга кетаман, кеч бўлиб кетди, аям, дадам қайтишмаган бўлса, бобом қийналадилар, қоронғида эшикка чиқолмайдилар...

Жиянининг ҳадеганда биргални қайтараверишидан юраги сиқилган Лола.

— Бор ўғлим, уйларига ташлаб кел, эшикдан киритасан-у қайтаверсан, — деди.

Дарвоза олдида келганларидо холавачаси дарҳол изига қайтди. Санжар гараж эшигидан мўралаб: “Келиш-

мабди, — деб ўйлади. — Бобом бечора оч қолгандилар...”, — у ойнанинг хира нуригина ёритиб турган ҳовлидан шошганича бобосининг пасткам, зимистон уйи томон чопди.

Эшикни очди-ю, беихтиёр чиқоқ тугмасини босди. Шу он осмонга отилган аланга болани йигирма метрлар чамасига улоқтириб ташлади. Бир сонияда аланга болани куйдириб, таниб бўлмас ҳолга келтириб улгурган эди.

Қишнинг унчалик кеч бўлмаса-да, зимистон тунида гўё бутун қишлоқни тутиб кетган овоз ҳаммани бирдай оёққа турғазди.

— Ёрдам беринглар, ёнгин!!!

— Чиқинг, иссиқ уйингиздан, ўт кетди! Кимнингдир уйи ёняпти!!!

Тор кўчалар бўйлаб биров челақ кўтариб, биров аравага сув бидон юклаб чопди. Барчанинг кўнглида бирдай ваҳима: “Ҳеч ким ўлмадимикан?” Кўкка ўрлаётган қора куюн эса “Қилгиликни сенлар қилдиларинг”, дегандай буралиб-буралиб кўтариларди.

— Ҳамдамнинг уйи ёнибди, уй эгалари тўйга кетишган экан...

Бу гап зумда қишлоққа ёйилди. Аланга ўчириб улгурилмай этиб келган Ҳамдамнинг дод-фарёди эса бу тилсиз ёвнинг парвозидан-да баланд кўтарилди:

— Ота!!! Ахир, уйда отам бор эдилар, отажон!!!

У ўзини ёнган ёғочлари бир-бир қулаётган уй ичига урмоқ бўлар, ҳалигина ўтни ўчирмоқдан ўзгани ўйламаган, фалокат бошига йиғилганлар эса бир-бирларига айбдордек боқишарди. Чунки, Сайфи отанинг ёлғиз қолгани ҳеч кимнинг хаёлига келмаган, биров уйда одам борми, йўқми текширмаган эди.

Бир пайт ҳаллослаб этиб келган Лола қарахт бўлиб қолган опасига бўзрайганча қотди. Унинг нигоҳларида қандайдир сир бор эди.  
— Са...нжар?..

Лоланинг бу шивирини Зоира англади ва бирдан жонлангандек синглисига ташлана кетди.

— Санжарим қани? Уни сенга ташлаб кетгандим-ку, қани у?! Нега жимсан, нега олиб келмадинг уни?!

Зоира синглисини силтаб солар, юзларига тарсақилар, сочларидан юларди.

— Бу ерда биров борга ўхшайди.

“Тез ёрдам”чилар ўқдек учиб болани машинага олдилар. Аммо унинг тирик ё ўликлигини билиб бўлмасди.

Ҳамдам бир йил ўтса-да куйик иси кетмаган уйи ичидо узоқ-узоқ ўтиради. Биров билан сўзлашмайди, буни истамайди ҳам. У аввалги, шохона уйини тиклаш чорасини ўйламайди. Унинг ўйларини мудом икки нарса билан банд: армон, алами — отасига аталган қабрга бир сиким кул қўйгани бўлса, оғрикли, азобли, ягона нияти — норазида фарзандининг қалб ярасига дармон топиш.

Гулноза ИСЛОМ қизи.

*Хуқуқ ва бурч*

## БАҲРИКЕНГЛИК ТАМОЙИЛИ

**Мамлакатимизда ёш авлоднинг билимли, салоҳиятли бўлиб вояга етиши учун барча имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилган. Бош Қомусимизнинг 45-моддасида вояга етмаганлар давлат ҳимоясида эканлиги алоҳида таъкидлангани ҳам бежиз эмас.**

Аммо гоҳида тўқликка шўхлик қилиб, тўғри йўлдан адашиб жиноят кўчасига кириб қолаётган йигит-қизлар ҳам учраб туради. Жиноят учун жазо муқаррар бўлса-да, лекин тарбиявий жиҳатни ҳисобга олган ҳолда, жазо тизимида айрим тоифадаги шахслар учун назарда тутилган енгилликлар мавжуд. Хусусан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигида вояга етмаган шахсларнинг ижтимоий, рухий, физиологик хусусиятлари эътиборга олиниб, улар томонидан содир этилган қонунбузарликларга баҳо беришда муайян имтиёз ва енгилликлар берилган. Шунингдек, Жиноят кодексида вояга етмаганларнинг жавобгарлиги алоҳида бўлимда қайд этилган бўлиб, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга кодексда белгиланган 8 турдаги асосий жазодан фақат 4 таси қўлланилиши мумкин, кўшимча жазолар тайинлашига йўл қўйилмайди. Қонунда вояга етмаганларга тайинлаши мумкин бўлган жарама микдори, ахлоқ тузатиши ишлари, камок ва озодликдан маҳрум қилиш жазоларининг муддати қисқартirilган.

Вояга етмай туриб, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятга қўл урган, эҳтиётсизлик оқибатида ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Халқимизга хос бағрикенгликнинг қонунларимизда бундай тарзда ақл этиши замирида ҳам аслида, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, бир сўз билан айтганда, ёшларни тўғри йўлга солишдек улуг мақсад бор.

Фарзанди жиноятчи бўлишини ҳеч қайси ота-она истамайди. Аммо иштакнинг ўзи билан чекланиш ҳам муаммоларга ечим бўла олмайди. Шу боис ҳар бир оилада ота-она ўзи фарзандига яхши ишлари билан ибрат кўрсатиши, юртимизда ёш авлод камолоти учун яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ўғил-қизини билим олиш, касб-хунар эгаллашга, эл-юрт қорига камарбаста бўлиб яшашга йўналтириши керак.

**Нозима ЭРНАЗАРОВА,**  
Тошкент 2-юрдик коллежи жиноий-хуқуқий фанлар кафедраси ўқитувчиси.



ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЯНГИЙЎЛ ТУМАНИДАГИ

“СУВОҚАВА”

ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ

халқимизни Янги йил билан

чин дилдан табриқлайди!

Бугунги дориламон ҳаётимизнинг

шукуҳи, завқи ҳаммининг дилини чароғон этмоғини

Яратгандан тилаймиз.

Озод ва обод Ватанимизда барқарор бўлган

тинчлик-осойишталикка, бирдамликка

ҳеч қачон кўз тегмасин!

**ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК!**

“ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ”

**ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ**

ҳамюртларимизни Янги йил байрами билан

чин дилдан қутлайди!

Тинчлик-фаровонлик, тўкин-сочинлик,

аҳиллик-иноқлик, файзу баракот

ҳамиша ёруғ орзулар билан

яшаётган улуғ халқимизни тарк этмасин!

**Янги йилингиз муборак бўлсин,  
муҳтарам юртдошлар!**

ПАХТАЧИ ТУМАНИДАГИ “СУЛТОНОБОД” ҚФЙ ХУДУДИДА ЖОЙЛАШГАН

**“ҚОРА МУСТАНИ” ХУСУСИЙ ФИРМАСИ ЖАМОАСИ**

ватандошларимизни Янги йил байрами билан чин дилдан муборакбод этади!

2016 йилда ҳар бир оилада тинчлик-фаровонлик, аҳил-иноқлик, тўкин-сочинлик бўлишини

тилаймиз. Йил бўйи халқимизга хос бирдамлик, бағрикенглик,

меҳр-мурувват сизларни тарк этмасин!

# МАЙМУН ЙИЛИ: ТАҚДИРЛАР ВА ТУҲФАЛАР

Хонадонимизнинг эшигини қоқётган 2016 йил хитой тақвимига кўра “Оловли қизил маймун” йили дея номланмоқда. Ушбу йилда хиссиётлар ва ҳодисаларнинг шиддатли оқими кузатилиши мумкин. Шу сабаб ҳам айрим мучал вакиллари ана шу оқимдан омадли чиқиб кетишса, баъзи бировлардан кучни эмас, ақлни ишлатиш талаб этилади, ишда ва оилада муваффақиятларга эришиш, янги ришталарни боғлаш ҳақида ушбу йил мучалларга нималарни ваъда қилмоқда?..

## Сичқон

Сичқон йилида туғилганлар йил давомида ўзларига нисбатан ишончи ортидан мўлжаллаган режаларини амалга

оширишади. Бу йил тадбиркорларга ақлни кўпроқ ишлатишни тавсия қилмоқда. Турли касб эгалари, ҳамкасбларингиз билан ҳамфикр ва ҳамкор бўлиш ишларингиз самарасини белгилашини унутманг. Мунажжимлар сизга ишга ҳолис ёндашишни, ишонччи оқлашни тавсия этади.

## Сигир

Шижоат ва соғлом идрок сабаб сигир йилида туғилганлар муаммоларга йил давомида деярли дуч келишмайди. Қизгин иш жараёни сиздан икки барабар кўпроқ меҳнатни талаб этиши айтилмоқда. Бу эса йил давомида яхши натижаларини беради. Мунажжимлар ортиқча асаббузарлик ва шовқин-суронга берилмасликни тавсия қилади. Унутманг, ҳар доим ҳам меъеридан ортиқ ҳаракат фойда келтирмаввермайди.

## Йўлбарс

Йўлбарс йили вакиллари ушбу йилда қайсарлик ва ўз талабларингизни бир четга суриб, яқинларингизга эътиборли бўлинг. Чунки, ҳаёт аτροφдаги инсонлар билан биргаликда гўзал бўлади. Ушбу

йил ўз қобилиятингизни намойиш этиш имконини бермоқда. Бироқ йўлбарсларга хос ғазаб ва ёввойилик йил давомида сизга муаммолар туғдиришини ҳам эсдан чиқарманг. Ушбу йил жамоа билан ишламаган мучал вакиллари бироз қийин бўлади.

## Куён

Куён йилида туғилганлар ушбу йилда бахтли

бўлиш ва ўзгаларни бахтли қилишингиз мумкин. Шубилан бирга, бошқа йил вакиллари нисбатан ҳаётингизда 2016 йилда омадсизликлар кам бўлади. Табиатан эҳтиёткор, тадбиркор, рақибнинг ҳаракатини олдиндан ҳис қиладиган мучал вакиллари ўз кучингизни узоқ муддатли лойиҳаларда синаб кўринг, чунки сиз хатосиз услубни қўллашингиз мумкин. Эътиборли одамлар билан бирга бўлишингиз, йил давомидаги муаммоларни осонгина ҳал қилиш имконини беради.

## Балиқ

Таъби нозик балиқ йили вакиллари ушбу йил хиссиётлари ва хоҳишларига эътиборлироқ бўлиши ортидан барча масалаларни ўз фойдасига ҳал қилиш имконига эга. Тадбиркорликда ишингиз моҳиятига эътибор беришни тавсия қиламиз. Мўлжаллаган ишларингиз амалга оширишда у қадар кўп тўсқинлик бўлмайди, ёш ишбилармонлар таваккал қилишдан чўчиманг. Ўз соҳасида бир неча йиллар давомида ишлаган куён мучали вакиллари кўплаб кўтариллишлар кутмоқда.

## Илон

2016 йил илон йилида туғилганлардан мурасасиз ва қаттиққўлликни талаб этмоқда. Табиат, хулқ-атвор ортидан фаолиятингизда ушбу йил кўзлаган мақсадга эришасиз. Бу мучал вакиллари атрафдагилар олам-олам мўъжизаларни олиши айтилмоқда. Ютуқлар билан ортиқча мақтанмасликни тавсия этамиз.

## От

От йили вакиллари йил давомида ўзига ва саломатлигига эътиборли



бўлиш талаб этилади. Йил давомида илғорлик ва меҳнатсеварлик сизни тарқ этмайди. Катта марраларга эришиш учун анча меҳнат талаб этилади. Мунажжимларнинг фикрига кўра, ушбу йил инсон омили ва ташқи дунё талабларини эътиборсиз қолдирсангиз, кўплаб нохуш ҳолатларга учрашингиз мумкин.

## Кўй



Кўй йилида туғилганлар муаммо ёки қийинчиликларга дуч келишади. Бу уларга тажриба ошириш ва кучли бўлиш имконини беради. Сизга иш жараёнида — ҳар қандай вазиятларда ўзингизни қўлга олиш тавсия этилади, хиссиётларга берилиш ярамайди. Ишингиз ва лойиҳалар шу даражада кўп бўладики, бундан асло қочманг. Унутманг, бу йилда омад фақат ўз ҳаракатингиз билан келади.

## Маймун

Маймун йилида туғилганларнинг кўпчилиги атрафдагиларнинг тушунмовчиликларига дуч келишади. Муаммолардан асло қочманг ва яқинларингизни хафа қилманг. Ушбу йилда сизда кўп кўтариллишлар кутилмоқда. Бунга эришиш учун юлдузлар сиздан ишда аниқликка эътибор беришни талаб қилади, шунда катта мартабаларга эришингиз мумкин. Бор кучингиз, даромадингиз ва меҳнатингиз сарфланадиган лойиҳалар сизни йил давомида кутмоқда. Олдингизга аниқ мақсад қўйиб ҳаракат қилинг. Ҳамма нарсага бир вақтда эришиб бўлмайди. Қайсарликни ақлдан устун

қўймасангиз, йил омадли келиши аниқ.

## Товуқ

Бизнес муаммоларида ва чалкаш масалаларда товуқ мучали вакиллари шижоат ва тиришқоқлигини кўрсатади. Мунажжимлар ушбу йил ташқи кўринишга кўпроқ эътибор бериш зарурлигини айтишаётир. Ҳамкасбларингизнинг танқидларини тўғри баҳолашга ҳаракат қилинг. Улар ҳам мутахассис эканлигини унутманг. Ўз мавқеингизни сақлаб қолишни истасангиз, ортиқча дилхираликлардан, асаббузарликлардан четроқда юришингиз керак. Услубингизни сақлаб қолиш учун атрафдагилар билан ҳисоблашингизга тўғри келади.

## Ит

Ит йилида туғилган ёш тарқорлар кўпроқ тажриба тўплаши керак. Чунки катта савдо оқимида ютқазингиз мумкин. Тан олинишни ва хурматга эришишни хоҳласангиз, қувноқ ва киришувчан бўлишингизга тўғри келади. Ушбу йилда гуруҳ билан ишлаш, уларнинг кўнглини топиш мартабага эришишда энг яхши усуллар. Сизнинг табиатингиз эса бунга имкон беради. 2016 йилда ўзингизнинг фойдангизга масалаларни ҳал қилинг, илоҳи борича, мураккабликдан қочинг.

## Тўнғиз

Тўнғиз йили вакилларида гап-кўтармас феъл сабаб муаммоли дақиқалар бўлиши мумкин. Айнақса, ишда ғайратли ва топқир бўлишингиз керак. Унутманг, ҳамма нарсага кўл силтаб, ишнинг ўз ўзидан ҳал бўлишини кутиш ярамайди. Ҳаракатни бир дақиқа ҳам тўхтатманг. Ўзингиздаги худбинлик хиссини йил давомида қўлламасликни тавсия этамиз. Бу мучал вакиллари йил давомида ишхонадаги можоралардан йироқ юришади. Сизга 2016 йилда ўз йўлингизда давом этишингизни мунажжимлар тавсия қилади.

Қамола  
РАҲИМУҲАЕВА  
тайёрлади.

# Ойна БОЙЛИК КАФОЛАТ БЎЛОЛМАЙДИ

Азалдан юртимиз илм ўчоғи бўлиб келган. Доно халқимиз ҳатто оила куришда юлдузи юлдузига тўғри келса, ҳеч гап эмас, деган ақидага амал қилишган.

Биламизки, эгизаклар ташқи кўринишдан ўхшаш бўлишса-да, характер жиҳатдан ажралиб туради. Ўғил уйлантиришда, қиз узатишда ота-оналар ақл билан иш тутишлари лозим. Оиласини, аждодини суриштириш яхши, албатта. Аммо асосий масала — йигит ва қиз бир-бирига мосми ёки аксими?.. Ахир, никоҳ, оила — дунёқарашлар, қадриятлар ва характерлар тўқнашуви-ку. Шундай “мен”и жуда юқори бўлган инсон зиддиятли ҳолатда ҳеч чекинмайди. Ибратли билан тарбия кўрган инсон кўполликни, саёз фикрни ҳазм эта олиши амри маҳол. Отаналарнинг совчаларга берган биринчи саволи, кўпинча, “Хўш, бўлғуси куёв қаерда ишлайди?”, бўлади. Йигитнинг эгаллаб турган мавқеини, топиш-тутиши ва обрўсига ёки қиройига қараб жавоб беришади. Хулқ-атворида келганда эса “Ишлайди”, “чекмайди” деган оддий, юзаки гап-сўзлар билан ота-она қаноатланишади. Тенг тенги билан деган сўзлар фақат моддийликни эмас, балки тарбия, маданият, мажбурият, бурч деган тушунчаларни назарда туттади. Нима учун ота-оналар қизларини турмушга узатаётганда бунчалар шошилишади? Гўё қиз 20 ёшдан ошса, “қари қиз” бўлиб қолади-гандек. Секин-секин кўникиб кетади, дея ўзларини овутиб ҳам қўйишади.

Тасаввур қилинг, ёшлигидан санъат шайдоси бўлган, мусаввирлик истеъдоди бор келажаги порлоқ ҳисобланган, лекин ҳали ўқишни тугатмаган қизни фақат жисмоний меҳнат ёки савдо-сотик билан шуғулланадиган оилага келин қилиб узатишса, унинг ўқишни тугатишига рухсат беришармикан, нозик бармоқлари шундай меҳнатга дош берармикан, мақсади фақат бойлик орттириш бўлган оилага кўникиб кетармикан?

Илгари “совчи” деган тушунча деярли касб эди. Билим ва катта ҳаётий тажрибага эга эркаклар кўпчилигининг мушқулини осон қилишар, ҳатто тўйдан кейин ҳам ўртада салгина иссиқ-совуқ гаплар чиқса, араллашиб, муросага келтириб ҳам қўйишарди. Ҳозир-чи? Бундай обрўли, мартабали вазифани тажрибасиз аёллар бажаришяпти. Энг ташвишлоси, бундай масъулиятни ўйламай-нетмай зиммасига олаётган хотинлар кўпроқ нималарга эътибор беришяпти? Бу ҳақда кўп гапирляпти, ёзиляпти. Бироқ яна тақдорлашга ҳожат борлиги учун мулоҳаза юртияпмиз. Менимча, ҳалиям кеч эмас, совчиликни барибир эркакларга қайтариш керак. Нега десангиз, улар узоқни кўзлаб, керак бўлса, қаерга, кимнинг хонадонига боришдан аввал келин тарафнинг насли насабига обдон суриштиришади. Бу эса ниҳоятда зарур. Кейинги вақтларда, кўрпимизки, айрим шошқалок, ҳою-ҳавасга берилган кишилар келин ёки куёвнинг бойлиги, мансаб-мартабасига учиб, кейин пушаймон бўлиб, надомат чекишмоқда. Унутмайлик, ҳар қандай, обрў, бой-бадавлат, ҳашаматли уй ёки қўша-қўша машиналар БАХТ аталмиш бебаҳо бойликка қафолат бўлолмайди.

Ҳусниддин ПИРМУҲАММЕДОВ,  
Зангиота агросервис касб-хунар  
коллежи ўқитувчиси.

## ХАЙР... АССАЛОМУ АЛАЙКУМ!

**ХАЁТ аталмиш катта карвон одимлапти. Бу карвоннинг бошланиши бешик, адоғи эса... элас-элас кўринади. Одамзот неча йил умр кўрса, яна шунча вақт яшагиси келаверади.**

Хали бу дунёда бир аср яшаб кўйган бўлса-да, мен яшашдан чарчадим, деган инсонни учратганимиз йўқ. Яқинда эшитдим, ишонасизми, икки дунё оралигида яшаётган хоразмлик 105 ёшли бир онахон ҳам фарзандларига: "Дўхтирларга айтинглар, ҳеч бўлмаса чеварамнинг чақалогини ўзим бешикка белаб бергунимча яхшилаб қарашсин, кейин у ёғини ўйлашиб кўрамиз", дермиш. Ана сизга, шу ҳаётнинг, тирикликнинг бебаҳо қадри, бекиёс файзи.

Бошимиз гоҳ эгик, гоҳ кўкка етди,  
Умр лаҳза-лаҳза ўтди-ю кетди,

деб ёзган дарёдил шоир Мухаммад Раҳмоннинг осмон қадар беғубор ва

бепоён кўнглидан нелар кечгани Яратганга аён. Лекин оддий бир ҳақиқат шуки, ўтаётган ҳар бир ойи йилимизнинг ҳаётимизда ўзига хос ўрни, кадр-қиммати бор. Шундай экан, тарих саҳифасида ден-



гизнинг бир томчиси янглиг муддат бўлмиш 2015 йил сизу бизнинг тақдиримизда нечоғли нуфузга эга бўлди, деган саволга жавоб излашга ҳақлимиз. Албатта, озод

**И з х о р**

ва обод Ватанимиз миқёсида олади-ган бўлсак, бу йилнинг унутилмас янгилик, ўзгариш ва қувончли воқеаларга бой кечганлигига барчамиз гувоҳимиз. Хўш, истиқлол фарзандиман, дея фахру ифтихорга тўлиб сўзлаётган йигит-қизларимиз-чи, улар улуг аждодларимиз орзу қилган дорилармон кунларнинг қадрига қай даражада етишмоқда?.. Аслида, бундай саволлар бизни йил сўнгида эмас, ҳар бир лаҳза ўйлантириши, уйғоқликка, огоҳликка чорлаши керак.

Не бўлганда ҳам ўтаётган йил мозий мулкига айланаётгир. Ҳар биримиз бу унутилмас тарихий муддат билан хайрлашаётимиз, юзимиз ёруғ ҳолда унинг ҳар бир лаҳзасини умримиз дафтарига зарҳал харфу рақамларда битиб кўяйлик.

Ассалому алайкум, янги 2016 йил, қадамларинг кутлуғ ва насибали келсин, ҳар бир оилага, хонадонга тинчлик-тотувлик, тўқинлик, хотиржамлик ато этмоғингни тилаймиз!

**Норқобил ЖАЛИЛ**

### ЭЪЛОН!

Бўстонлик тумани ер тузиш ва кўчмас мулк давлат корхонаси томонидан 2015 йил 14 сентябрда рўйхатдан ўтказилган БТХнинг 07.09.2015 йил №1332 қарорига асосан Бўстонлик тумани Искандар кўрғони, "Бараж" маҳалла фуқаролар йиғинидаги С. Айний кўчаси 63-уйга 21.09.2015 йилда берилган №ТО-0031160 ер гувоҳномаси ҳамда № 0108930 рақамли мулк гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

29-хунар техника билим юрти (Ҳозирги Чилонзор коммунал хўжалиги ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи) томонидан Сағдуллаева Муяссар Турсуновна номига берилган № 2241 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Толипова Роҳат номига 22.02.1993 йилда Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур БТИси томонидан берилган Шайхонтоҳур тумани Ибн Сино мавзеси 1/6/27 хонадони кадастр уй режаси ва №09-02/6026 рақамли ордер йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

**25** **10**

**DEKABRDAN** **YANVARGACHA**

**NOVODODIYE PRIKLONCHENIYA** **ФИКСИКОВ**

**10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00**

**ФИКСИКЛАРНИНГ ЯНГИ ЙИЛ САРГУЗАШИТЛАРИ**

**MUROJAAT UCHUN TELEFONLAR**  
**СПРАВКИ ПО ТЕЛЕФОНАМ**  
**244-35-91, 244-34-35**

Хизматлар лицензияланган **2016**


Bizning manzil: Toshkent sh. G. G ulom ko chasi 1  
**www.sirk.uz**

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш" ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди

Тахририятга келган кўлөзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари маъмуни учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 15:00. Босишга топширилди - 15:00.

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz



Бош муҳаррир:

**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — Олимжон ЖУМАБОВ

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ  
Мусахҳиҳлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,  
Камола АДАШБОВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 100000. Амир Темур кўчаси  
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1236. Формати А-3, ҳажми 3 табоқ. Адади — 4286. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20  
Котибият: 233-04-35, 234-76-08

Web-site: oila-va-jamiyat.uz

1 2 3 5